



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 22 октябрь, №228 (3056)

Сешанба

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

20 октябрь куни Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Душанба куни "Дурмон" қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Александер Квасневскийнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президент Ислам Каримов Полша раҳбарининг Ўзбекистонга бу ташир билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган пайтга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Шу жиҳатдан уни тарихий ташир деб аташ мумкин.

Ўзбекистон ва Полша расмий делегацияларининг кенгайтириш тартибдаги музокаралида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ахли Полшадаги жараёнларни диққат билан кузатиб келаятигани, ушбу мамлакатнинг имконият ва салоҳиятини, айниқса, ошор ислохотларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи сафидан жой олиш бора-



сидаги ютуқларидан яхши хабардорлигини таъкидлади. Бугунги учрашувлар эса шундай давлат билан ҳамкорлик самараларининг оширишда муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ўзаро муносабатларни ривож-

лантиришга доир бир неча тақдир ўртага ташлади. Сиёсат борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг куйи органлари, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро таш-

килотлар доирасида ўзаро ҳамкорлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида

Ўзбекистон билан Полшанинг ҳамфиқрлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатларимиз номи зикр этилган ташкилотларда бир минтақа ичига олинган. Хавфсизлик масаласида келганда, НАТО аъзоси бўлган Полша билан кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиши, махсус бўлинмалар тузиш каби ишларда самарали ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш мумкин.

Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислам Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу табиий. Утган йилги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аттиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кучли ҳуқуқий асос ҳам яратилган. Президент Ислам Каримовнинг 1995 йили Полшага буюрган расмий ташир билан ишбилармонлар фаолияти учун ўзаро имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш тўғрисида келишиб олинган эди. Лекин таъкидланганидек, ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида эмас.

Ислам Каримов тўқмачилик, қурилиш, энергетика, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, мебель ва рангли металллар каби товарлар айирбошлашини жуда фойдали эканлигини таъкидлади. Полша сармоядорларини Ўзбекистондаги ҳусурийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

(Давоми 2-бетда).

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Полша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг мамлакатимизга расмий ташир билан давомида унинг рафиқаси Иоланта Квасневская Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ташир буюрди. Улар мазкур университетнинг журналистика факультетида жойлашган Полша маданият ва тил марказининг очилишида иштирок этди. Шунингдек, бу ерда поляк тилини ўрганаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

МАДАНИЯТ — ДЎСТАЛИК МАНБАИ

Ушбу марказ Полша Республикаси Сенати, Полшанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ташаббуси билан ташкил этилди. Учрашувда марказнинг очилиши мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорлик самараси эканлиги таъкидланди. Марказ поляк халқининг бой маданияти, тарихи ва анъаналари тўғрисида билим олиш имконини берадиган барча зарур техника ҳамда алаб-бетлар билан таъминланган. Университетнинг славян филологияси факультетида эса икки йилдан буён поляк тилини ўрганиш бўйича махсус гуруҳлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иоланта Квасневская талабалар билан ўтказилган учрашувда Полшада ҳам Ўзбекистонга қизиқиш катта эканлигини таъкидлади. Маданиятларимизнинг бир-бирини бойитиши икки халқ ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилади.

Талабалар оқори мартабали меҳмонга ўз маданий дас-турини намойиш этди. Унда мамлакатимиз адабиёт илос-мандарига яхши таниш, машҳур поляк шоири Адам Мицкевичнинг шеърлари, ўзбек ва поляк халқ қўшиқлари янгради.

Шу кунги Иоланта Квасневская пойтахтимиз марказида Сайилгоҳда ҳам бўлиди ва бу ерда намойиш этилган халқ ижодиёти ҳамда хунарманчилиги намуналари билан танишиди.

(ЎЗА).

Шу кунларда мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазири Ўринбосари Вей Цзяньго раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида турли соҳаларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунга Хитойнинг кўплаб компаниялари мамлакатимизда фаолият олиб бораётгани, Ўзбекистонда икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида бунёд этилган талай қўшма корхоналар яққол мисолдир. Сўхбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни бундан ҳам ривожлантириш учун барча имконият етарли эканлигини билдирди.

Музокаралар сўнггида Ўзе-

бекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида Хитой ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 30 миллион юан миқдорда фозсиз кредит тақдим этиш тўғрисида битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида беш миллион хитой юани миқдорда бегараз ёрдам тақдим этиш тўғрисидаги алмашув ноталари имзоланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ички ишлар вазирлиги ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашни янада кучайтириш борасида амалга ошириладиган ишлар ва мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг 2000 йил 6 сентябрдаги "Террорчи гуруҳлар таркибига алашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳамда шу тўғрисидаги жиноятларни содир этиб, жазадан озод қилинган шахслар билан олиб бораётган профилактик ишларнинг аҳоли муҳокама қилиниди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилгани тўғрисида жорий йилнинг утган 9 ойи мобайнида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши камайлтиришга эришилди. Бироқ бу борада ҳали қўзланган натижага тўлиқ эришилмапти. Хусусан, утган даврда содир этилган жами жиноятлар со-

нининг бироз ўсгани ҳамда муҳаддам судланганлар билан профилактик ишлар олиб боришда муайян камчиликларга йўл қўйилганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни янада кучайтиришда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг мустақам ҳамкорлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган Фармони мақсад ва моҳиятини, инсонпарварлик тамойиллари, террорчи гуруҳларга қўшилди қилиб, сўнгра қилмишидан пушаймон бўлиб, тавба қилиб келганларга қўлланганини кенгрок ва атрофлича тушуниришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бехозод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири.

САМАРАЛИ ВА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

"Дурмон" қароргоҳидаги музокаралар ниҳоятга етган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Полша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг ўзаро суҳбати бўлиб ўтди. Улар муносабатларни ривожлантиришга доир бир неча тақдир ўртага ташлади. Сиёсат борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг куйи органлари, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида

Ислам Каримов энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, йўл ва кўприклар қурилиши, транспорт ва коммуникация, сайёҳлик соҳасида яхши тажрибага эга Полша ишбилармонлари эътиборини бизнеснинг дастлабки шарт — Ўзбекистондаги оқимчилик ҳамда барқарор ривожланаётган иқтисодиётга қаратди. Пахта ҳомишасидан ташқари, нефть, газ, рангли металллар захира-сига жуда бой мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун

барча қулайликлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, турли соҳаларда ҳамкорликни чукунлаштириш учун кафолатлардан муҳит мавжуд. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Полша ишбилармонлари ХИП асрабқ Темурийлар давлати билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйган, деда Александер Квасневский. Демак, ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақам пойдевор бор. Ўзбекистон танлаган йўл, ўн бир йилда эришилган ютуқ-

ларни юксак қадрлаган ҳолда айтмоқчиманки, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун икки мамлакат ишбилармонлари, биринчи навбатда, ўзаро кундалик ахборот алмашувини йўлга қўйиши зарур. Бизнес-форумда Ўзбекистон билан ҳамкорлик Полша ишбилармонлари учун минтақадаги бошқа мамлакатлар бозорига кириб боришга кенг имконият яратиши алоҳида таъкидланди. Жумладан, Афғонистонни тиклашда қатнашмоқ-

чи бўлган мамлакатлар учун Амударё портдан фойдаланиш энг қулай ва арзон восита эканлиги ҳақида сўз борди. Шу куннинг ўзида Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги католиклар черковини бориб кўрди. Маҳаллий поляклар билан суҳбатлади. Ўзбекистонда полякларга кўрсатиладиган муносабат ва яратилган шайратдан манму-

нийат билдирди. Полша Президентини аждоғларга ҳурмат рамзи сифатида генерал Владислав Андерс ёдгорлиги пойта гул қўйди. Полшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаолияти билан танишиди.

(ЎЗА).

«Тил: ислоҳот ва тараққиёт»

Республика Мазнавият ва маърифат Кенгашида ўзбек тилига давлат мақоми берилганини тўғрисидаги қонуни қабул қилинганга 13 йил тўлиши муносабати билан «Тил: ислоҳот ва тараққиёт» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда таниқли тилшунос олимлар, турли муассаса ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда давлат тили тўғрисидаги қонуннинг ижросини таъминлаш борасида талайгина ибратли ишлар амалга ошириладигани таъкидланди. Таъдир қатнашчилари «Давлат тили: қонуни ва ижро», «Тил — ўзликни англаш манбаи», «Давр, тушунича, атам» мавзусида маърузалар тингладилар.

Шу бонс уларни жаҳон андозалари талаблари даражасида яқинлаштириш, экспорт имкониятини кенгайтириш ва унинг инфратузилмасини янада ривожлантириш ниҳоятда муҳим. Бунинг учун, аввало, корхонага хориж

Сўнгги хабарлар

«Орол оналари ва болаларига»

Утган шанба куни умумреспублика экологик шабалиги ана шу шнор остида бўлиб ўтди. Экология ва савдо-сотиқ кўндари-нинг 3-босқини доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 6 миллион нафар киши иштирок этди. Улар орасида мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, хорижий ишбилармонлар ҳам бор.

«Экосан» халқаро жамғармаси жамоаси экологик ҳашарини ўзФАНнинг Ботаника ботида ўтказдилар, — дея хабар беради жамғарма матбуот хизмати. — Ботаника боғи атрофи тозаланиб, обод-лаштириши ишлари бажарилди.

Экологик шабалик мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Узоқ танафусдан сўнг

Узоқ танафусдан сўнг «Мўйноқконсервакомбинати» акциядорлик жамияти қайта иш бошлади. Бу ерда қўлдан буён тўхтаб турган дастдоҳлар яна ҳарқайта келиб, жамоннинг икки юздан ортиқ илоси ўзларининг қадарин кўсёлари билан шуғуллана бошлади. Акциядорлик жамияти бугунгача Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги балиқчилик ҳўжаликлари билан 240 тонна балиқ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар



Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Жанубий Корейанинг «Увал порт шахри — Пусанда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 15 та олтин медални қўлга киритган бўлсалар, унинг 5 таси боксчиларимизга тегишлидир. Хақиқатан ҳам, республикамизнинг «чарм қўлқоп» усталари Дилшод Махмудов, Уткирбек Хайдаров, Сергей Михайлов, Икром Бердиев ва Рустам Саидов халқимиз ва Ватанимиз томонидан ўзларига билдирилган юксак ишончини оқлаб, «Осиё ўйинлари чемпиони» деган фахрли номга сазовор бўлишди.

Уша кунги 13 октябрь, яқшанба эди. Бу кун, айниқса, фарғоналик боксчи Дилшод Махмудовнинг қалбида бир умр муҳр-ланиб қолди. Сабабини?

Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг. →

Осиё чемпионати

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида юртимизда илк бор ташкил этилган теннис бўйича Осиё чемпионати зўр муваффақият билан якунланди. Шунини таъкидлаш керакки, бир ҳафта давом этган мurosасиз ва кескин утган жанглардан сўнг ғолиблар номи маълум бўлди.

Эркалар ўртасида ярим финалгача етиб келган қозон-гистонлик спортчи Алексей Кедрок ва япониялик Гоучи Мотомура ўртасидаги жанг кескин курашларга бой бўлди. Япониялик ракетка устаси биринчи турни тай-брекда (7/6(7)) якунлаб, иккинчи сетин 7/5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Ярим финалчиларнинг иккинчи жуфтлиги хитой тайпейлик Ен-Хуан Лу ва хиндистонлик Роҳан Бопанна ўртасидаги беллашув ҳам Осиё теннисчиларига хос тарзда ниҳоятга етди. Биринчи сетнинг биринчи ҳам геймидан рақибига қаршилик қўрсотолмаган Лу иккинчи сетни тай-бреккача олиб

(Давоми 4-бетда).

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун? Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Обуна

— ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,
— икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,
— дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,
«Халқ сўзи»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («маънавий вақоғи»):
<http://mtu.uzpak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирилганки учун улар топширган нақд маблағининг 0,1-1 фоизгача ҳақ тўланади. Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).



Шахмат

Қалбда муҳрланган кун

Мусобақада боксчиларнинг финал учрашуви айнан 13 октябрьда белгиланган, аввало, кўпчилик спортчилар каторида бизнинг вакилларимизни ҳам бироз сергак торттириди. Чунки, гарчи улар ўз кучи ва имкониятларига қаттиқ ишонсалар-да, кўнгли-да, «Тоқ сон омад келтирмайди, дейишди. Бугун нима бўларкин?» деган фикрдан сал-пал чўчишган-ни ҳар бирининг юзидан ант-

лашлиб турарди. Қолаверса, Дилшод Маҳмудовдан аввал рингга чиққан Бехзод Хидиров кумуш медаль билан кифояланса бўладими? Шунда оғир вазни Рустам Саидов кутимганда Дилшодга юзланди. — Менга қара, Дилшод укам, энди ҳаммаимизнинг тақдиримиз сенга боғлиқ! — деди у жиддий оҳангда. — Яъни рақибингни ютсанг, биз ҳам

Ватанимиз шаънини улуглаганлар


голиб чиқамиз. Буни ҳар сонинг ёдингга тут! — Ишончларингни оқлайман, — дея Дилшод Маҳмудов 60 килограммгача вази тоифасигада баҳсида Жанубий корейлик рақиб устидан ғалаба қозониб, боксчиларимиз тугрунда биринчи бўлиб олтин медаль соҳиби бўлди. Кейин

Қалбда муҳрланган кун

унинг ютуғидан рўланган жамоаларнинг олтин медаллар сонини 5 тага етказдилар. Айтинг-чи, бу воқеани унуттиш мумкинми? Асло! — Дилшод дастлаб боксчи акаси Шухратдан сабоқ олди. 2-синфалигидан эса бокс тўғрисида ўзига, Сунгра устози Хамид Дехқондан ана шу спорт турти усулларини сирларини кўзи билан ўрганиб, секин-аста турли тоифадаги

мусобақаларга қатнаша бошлади. Ниҳоят, у 1998 йили ёшлар чемпионатида, орадан уч йил ўтгач, Германияда ўтказилган йirik халқаро турнирда шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади. — Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида спортчиларимиз мамлакатимизга 15 та олтин медални олиб келган экан, бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан гоҳат хурсандман, — дейди 19 яшар Дилшод Маҳмудов. — Бунинг учун барча устозларимга, биз, спортчилар учун шарт-шароит яратиб берган ҳукуматимиз раҳбариятига миннатдорчилик билдираман! Дилшод айти кунларда ёниқ орзулар оғушида яшамокда. Негаки, у 2003 йилнинг май ойида Таиланда ўтказилган жабон чемпионатида, 2004 йил Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида ҳам ўзининг боксчи сифатида нималарга қодирлигини яна бир қарра исботламоқчи!

СУРАТДА: Дилшод Маҳмудов ва унинг онаси Турсуной она. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



АЛЮМИНИЕВЫЕ ОКНА, ДВЕРИ, ВИТРАЖИ

ТОЛЬКО В КРАСИВЫХ ОКНАХ ВИДНЫ КРАСОТА МИРА, ДОБРАЯ УЛЫБКА ОТЦА, ЧИСТЫЕ ЛИЦА ДЕТЕЙ.

"ALQUR" участвует в строительстве отелей, бизнес-центров, колледжей, автозаправочных станций, жилых домов и т.д.

ALQUR

ЧЕРЕЗ КРАСИВЫЕ ОКНА В ДОМ ВХОДИТ СЧАСТЬЕ И РАДОСТЬ, И ЖИВУТ ЗА НИМИ ПО-НАСТОЯЩЕМУ ПРЕКРАСНЫЕ ЛЮДИ!

Бектемирский район, Ахангаранское шоссе, 2
Тел: 98-64-83, 185-67-74. Факс: 98-64-84



ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

борди. Учинчи сет хитой тайпидик теннисчи учун омадсиз ақулланди ва 6/3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Айнан иккала жуфтлик голиблари бўлган Мотокура ва Бопаналар финал баҳсини ташкил этишди. Тажрибали япониялик ракетка устаси 6/4, 6/3 ҳисобини ўз қайдомасига эшиб қўйди.

Шанба оқшоми микст (аралаш жуфтликлар) баҳсларида ҳам голиблар номи маълум бўлди. Турнирда тўртинчи тартиб рақам остида ҳаракат қилган индонезиялик Петер Хандоё/Вукирасин Савондари жуфтлиги финалда ўз ҳамюртлари бўлиши Суванди Суванди/Лиза Андриани дуетини "тор-мор" этишти. 6/4, 1/6,

7/6(6) ҳисоби Хандоё/Савондари жуфтлигини қўлгада яна эканлигини исботлади.

Аёллар баҳсида вакиллар Ивана Исроилова чемпионатидаги барча беллашувлари жуда яхши кайфиятда ўтказди. Унинг ярим финалда хитойлик Ян-Зе Хиенга қарши ўтказган ўйини ҳам энгил кечмади. Кутимганда биринчи сет рақибсига 2/6 ҳисобида имкониятни бой берган Ивана иккинчи ва учинчи сетларни ташаббускор рўҳда ақуллади — 6/4, 6/1. Япониялик Акико Моригами ҳамда малайзиялик Чин-Бе Ху ўртасидаги беллашува Кунчикар ўлка вакили ҳисобда осонгина олдинга чиқиб олд. Икки сетда хитойлик теннисчига беш геймни (6/1, 6/4) бериб қўйди, холос. Финалда йўланма олган Моригами Иванага ҳам яхши-

гина сабоқ берди. Биринчи турнинг икки геймига жабон хитойлик Исроилова навбатдаги турда толиқгани бонс кетма-кет рақибсига очко улашти. Иккинчи сетда 6/1 ҳисобида голиб чиққан Акико Осиё чемпиони, деган шарафни маъна сазовор бўлди.

Шундай қилиб, турнирда шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллаган икки япон спортчиси январ ойининг сунгги ҳафтасида Мельбурнда ташкил этиладиган "Улкан тож" туркумидаги Австралия очик чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларга wild card, яъни махсус таширфномаши Австралия теннис федерацияси вакили Ричи Жи топширди.

Фазлидин САТТОНОВ.

Шахмат



Рустам Қосимжонов иккинчи ўринни олди

Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган жабон кубоги мусобақасида ўзбек йигити — шахмат устаси Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этди.

Ярим финалда ҳамюртимиз Словения вакили Александр Белвскийни 1,5:0,5 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи бўлиб финалга йўланма олганди. Асосий учрашувада у хиндистонлик собиқ жабон чемпиони Вишванатан Ананд билан куч синашди. Финал беллашувида ўзбекистонлик шахмат устасидан бироз омад юз ўғирди ва 32 ёшли тажрибали Вишванатан Ананд 0,5:1,5 ҳисобида устун келди. Қизғин шундаки, саралаш гуруҳида вакилимиз биринчи ўринни эгаллаб, В.Анандни ҳам орда қолдирганди. Нима бўлганда ҳам 23 ёшли шахматчи учун жабон кубогиди иккинчи ўрин жуда юқори натижа ҳисобланади.

Олдинда энг йirik мусобақалардан бири — жабон шахмат олимпиадаси турибди. Жорий йилнинг 25 октябрдан 10 ноябрга қадар Словениянинг Блед шаҳрида бўладиган ушбу турнирда ҳам ўзбекистонлик шахмат усталари қатнашиб, юқори натижаларга эришишдан умид қиламиз.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КАБУЛ КОМИССИЯСИ
2002/2003 ўқув йилига тўлов-шартнома асосида таълим тили ва йўналишлари бўйича ажратилган қўшимча ўринларга давлат тест маркази қайдомаларида навбатда турган қўйидаги абитуриентлардан пулли-тўлов шартнома асосида танланган йўналишлари бўйича аризалар қабул қилишни маълум қилади.

1004 — йўналиш — кимё, таълим тили: ўзбек тили 120,30 балл ва ундан юқори

1045 — йўналиш — касбий таълим (тиббий ва қишлоқ ҳўжалиги йўналиши), таълим тили: ўзбек тили 103,60 балл ва ундан юқори

Қабул комиссияси юқоридидаги кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентлардан 1-ўқув биносида 2002 йил 28 октябргача аризалар расмийлаштириш учун қабул қилади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек к., 45-уй.
Қабул комиссиясининг телефони: 56-39-31.

Тошкент шаҳар, Яққасарой туманининг «Мотор тизминот» фирмаси (ОКПО коди 18281086) тугатилди. Даволар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Аския кўчаси 29-уй, тел: 17-13-30.

«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ

Юқори сифатли ер ёнғоқли ва ер ёнғоқсиз, Россия технологияси асосида тайёрланган «ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ жуда арзон нархларда тақлиф этади.

- 30 гр. — 85 сўмдан
- 75 гр. — 220 сўмдан
- 80 гр. — 220 сўмдан
- 100 гр. — 300 сўмдан

Тўлов шакли — турлича.

Бизнинг манзил: Самарканд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.

«PARVINA UNIPACK» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Турли хил озиқ-овқатлар, тиббиёт воситалари, тўкилувчи қурилиш маҳсулотлари учун универсал ўраш материаллари ишлаб чиқариши бошланганини маълум қилади.

Оригинал дизайн, бадий безаш — сизнинг буюртмангизга кўра. Турли шакл ва кўринишдаги таширф қоғозлари, этикеткалар, ёрликлар, гулқоғозлар тайёрлаб берилади.

ҚИСҚА МУДДАТЛАР ВА АРСОН НАРХЛАР

Бизнинг манзил: Самарканд ш., Бедил к., 17-уй (мўлжал: «Шинасозлаш» заводи).
Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ

(НАРА 4216, 2816)

ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ.

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва соғлаб берилади.

Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ:

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППВН, ПУНП ва бошқалар).

ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛАР

(ЯЧЕЙКАЛАР, ТРАНСФОРМАТОР ПОДСТАНЦИЯЛАРИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЛАР)

ЎРИТГИЧЛАР

(ППО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ ва бошқалар)

ЛАМПАЛАР

(ЛД, ДРЛ, ДНАТ ва бошқалар)

700060, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 29-уй, «Ўзбекистон» маъши хизмат уйи, 5-қават.
Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84, 120-09-09, 152-66-34.
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

МАНФААТЛИ АЛМАШТИРИШНИ ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ ЎРНИГА МАҲСУЛОТЛАР

ХОРЖИЙ САРМОЯЛИ «SANDATOLINOVE OZSAYOO» ВАЖ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

АҚВАЛ ВА ТАШКИЛАТЛАРДА ЧЕКАЛАНМАГАН МИҚДАРДА ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАБ, КУВАЛАК ЭХТИЁЖ МОЛЛАРИГА АЛМАШТИРАДИ.

1 кг. ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИСИ УЧУН — 85 сўм ҳисобидан. ИШ ТАРТИБИ: ҳар кун соат 9.00дан 16.00гача, тушлик — соат 12.00дан 13.00гача, ДАМ ОЛИШ КУНИ — ДУШАНБА.

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРГА АЙИРБОШЛАНАДИغان МАҲСУЛОТЛАР

№	Номи	1 кг. учун
1.	Пахта ёғи, 0,5 л., бут.	6 кг.
2.	Хўжалик совуни, бўлак	2 кг.
3.	Ароқ, 0,5 л., бут.	11 кг.
4.	Вино, 0,5 л., бут.	4 кг.
5.	Макарон маҳсулотлари, пач.	2 кг.
6.	«Менга» кир ювиш воситаси, бан.	6 кг.
7.	Тозалаш кукун (порошок), бан.	4 кг.
8.	Кукун (порошок) 400 гр., пачка	5 кг.
9.	«Лимон» шампуни, бут.	4 кг.
10.	«Кристалл» шампуни, бут.	4 кг.
11.	«Облепиха» шампуни, бут.	4 кг.
12.	Лампочка, дона	2 кг.
13.	Гугурт, 4 кутича	1 кг.
14.	Картон К-350, кг.	4,2 кг.
15.	Толали плита, кв.м.	7,2 кг.
16.	Гофрокутилар, кв.м.	4 кг.

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ ЙИҒИШ ВА УНДАН КАРТОН СИЯМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА Фойдаланиш шартини Савитлар ва экологик хизматини яхшилаб, АҚСИНИНГ БИНАДИНИНГ ТАЪМИНИ ҚИЛАДИ.

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИСИ, ШУНИНГДЕК, ПУЛ ЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БОЗОР НАРХИДАН ЮҚОРИ БАҲОДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАТГАН ҚИЙДАГИ МАҲСУЛОТЛАРГА ҲАМ АЛМАШТИРИЛАДИ:

- * ГОФРОСИМЛАР; * ЎРАШ ҚОҒОЗИ;
- * ЕЛИМЛАНГАН КАРТОН; * ТОЛАЛИ ПЛИТА.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ

- * А. Икромов тум., Чилонсор мавзеси, 28-даха, «Нон-паста» енида (собиқ макарон фабрикаси)
- * Ҳамза тум., Шилохов кўч., 39-уй (Қадийев бозори яқинида)
- * Ҳамза тум., Лисунов кўч., (мўлжал: Лисунов номи к/т орқасида)
- * С. Раҳимов тум., Қорақамиш 2/3 мавзеси (2 қаватли универсам орқасида)
- * Ҳамза тум., «Родат» халқдоридан шаҳар халқа йўли бўйлаб Қўйил томонга
- * Сарикўл кўчаси (мўлжал: Авиация техникуми)
- * Юнусобод мавзеси, 3-даха (мўлжал: 5-бўлалар касалхонаси)
- * Юнусобод тум., (мўлжал: «Қозонистон» к/т орқасида)
- * Юнусобод тум., Малласов кўч. (мўлжал: «Юлдуз» фабрикаси)
- * М. Улуғбек тум., Буюк Ипак йўли кўч. (мўлжал: «Савҳат» мехмонхонаси)
- * Ангрэн шаҳри, Навой кўч., 22-уй
- * Ангрэн шаҳри, 5/5 дахаси, 14-уй
- * Ангрэн шаҳри, 5/4 дахаси (мўлжал: хўжалик дукони)
- * Дукент шаҳри (мўлжал: бозор)
- * Ошангарон шаҳри, Охунбобоев кўч., 11-уй
- * Олымлик шаҳри, Амир Темир кўч., 97-уй
- * Олымлик шаҳри, янги бозор
- * Бекобод шаҳри (мўлжал: шаҳар прокуратураси)
- * Бўка шаҳри (мўлжал: бошхона)

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИСИ, ШУНИНГДЕК, ПУЛ ЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БОЗОР НАРХИДАН ЮҚОРИ БАҲОДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАТГАН ҚИЙДАГИ МАҲСУЛОТЛАРГА ҲАМ АЛМАШТИРИЛАДИ:

- * ГОФРОСИМЛАР; * ЎРАШ ҚОҒОЗИ;
- * ЕЛИМЛАНГАН КАРТОН; * ТОЛАЛИ ПЛИТА.

Маълумот учун телефонлар: (371) 144-10-78, 98-36-87 Тошкент ш., (266) 2-12-23, 3-74-26 Ангрэн ш.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоаси бошқарма бошлигининг ўринбосари Заҳриддин Мухаддиновга онаси МУКАРРАМНОСА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Эзликкаъла туман ҳокимлиги жамоаси ҳокимлик масъул ходими Абжаан ШИРИЕВИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг она аълоларига чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбошаркин» раҳбарияти Илдин техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори М. Ҳожиетовага воқоидан мухтарамаси Манзура МИРСАФАТОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Замин» давлат-ақшиядорлик ипотека банки жамоаси бошқаруви раиси масъулхизматини йўқолиши Тожибоевага воқоидан мухтарамаси ЗУМУНИСА аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик изҳор этади.

Сирдарё вилояти машина-тракторлар парк бирлашмаси жамоаси бирлашма раиси Алишер Жумаева паадари бузурқвори РАЙИМБЕРДИ отанинГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЕРОВ.
Мусахҳид — О. АБДУЗИМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан звед материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшиядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга тошириш вақти — 21.00.
Тоширишда — 22.10

1 2 3 4 5 6

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибхона — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977,
27225 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табақ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термидил ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.